

“ЖЕЙН ЭЙР” РОМАНИДА ИНСОН РУХИЙ ҲОЛАТИНИ АКС ЭТТИРУВЧИ МЕТАФОРАЛАР

Улугова Шохида Шохруховна

Иккинчи чет тиллар кафедраси кафедраси катта ўқитувчиси, PhD Самарқанд давлат чет тиллар институти

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар:

Концептуал метафора, саёҳат, ҳаёт, ҳаёт жароҳати, когнитив қобилият.

Аннотация

Мазкур мақола инсоннинг психологик ҳолатини характерловчи метафоралар талқинига багишланган. Асарнинг бош қаҳрамонлари Жейн Эйр, Рочестер ва ҳазрат Жонларнинг руҳий кечинмаларини акс эттирадиган тузилмалар таҳлил этилган. Маълумки, эслатилган персонажларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга ва бу, романнинг ғоявий мавзуси тузилишида етакчи ўринни эгаллади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2022 LWAB.

Жуда ёш етим қолган Жейннинг ҳаёти курашларда ўтиб, ўз шахсини қаттиқ ҳимоя қиласидиган қиз сифатида вояга етади. Билимдон бу қиз Торнфильдда тарбиячи вазифасида ишлайди. У жўшқин ҳаётни ёқтиради ва айни пайтда одобли ва ахлоқли. Биринчи уйланишидан “куйган” Рочестер совуқ ва истеҳзоли кўринса-да, лекин қалбан илиқ, ёқимтой. Ҳазрат Жон, ўз навбатида, дин ҳомийси, Жейнни ёқтиради, аммо унинг тоғобаччаси бўлиб чиқади. У қатиққўл, қайсар, ўта хиссиётли, совуққона ва оқиллик билан иш кўриш тарафдори, лекин камбағални қўлла бўлганинг қўватлашга доимо тайёр.

Жейннинг ҳаётга муносабати асосан LIFE IS A JOURNEY концептуал метафораси замирида шакл оладиган тузилмаларда акс топади ва улар структур жиҳатдан роман давомида ўзгариб боради. Жейн концептуал метафора таркибидаги journey “саёҳат” тушунчасига бераётган сифатларни тўхтовсиз кенгайтириб турари ва шаклан ўзгартириб боради:

It is a very strange sensation to inexperienced youth to feel itself quite alone in the world, cut a drift from every connection, uncertain whether the port to which it is bound can be reached, and prevented by many impediments from returning to that it has quitted. (Chapter 11, 86).

Жейн Торнфильдга гувернантка вазифасида ишлаш учун жўнаб кетмоқда. У Ловудда ўтказган саккиз йил давомида тамоман дунёдан ажратиб қўйилган эди: “...had had no communication by letter, or message with the outer world” (p. 77). Эндиликда у эркин нафас олиш иштиёқида, аммо айни пайтда келажакни тўлиқ тасаввур қилиш имкониятидан йироқ. Келажак борасидаги бундай ишончсизлик LIFE IS A JOURNEY концептуал метафорасида акс топмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, cut a drift “оқимни сузиб ўтиш”, port “порт”, “quit” каби калималар дengiz сари йўл, саёҳатга ишора қилмоқда. Денгиз бўйлаб саёҳатда оқимга тушиб қолган сайёҳнинг ҳаёлидан йўналиш ва мақсад ўчиб, эркин (сув оқкан томонга) сузаверади. Ҳархолда, эркинлик ва озодлик

хаёли адашиб кетиш түғрисидаги қўрқув билан алмашинилади. Ташқи дунё билан бевосита алоқа йўқолгач, мўлжалга етиб бориш ишончи ҳам сусаяди. Шунинг билан биргаликда, саёҳат аллақачон бошланганлиги туфайли, орқага қайтишнинг иложи қарийб йўқ.

Шундай қилиб, бу ерда семантик манба – “саёҳат” тушунчаси мўлжалдаги “хаёт” тушунчасига қадар етишиб боради. Жейннинг наздида, хаёт – денгиз сари саёҳатдир ва бу саёҳат ёлғизлиқда, ишончсизлик қамровида ўтади. Бироқ, Ловуддан кетиш ҳамда бошқа дунё, одамлар билан учрашиш қарори қабул қилингани боис, орқага чекинишнинг имкони йўқ.

Равшанки, бу ерда концептуал метафора тўлиқ Жейннинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурини намоён қиласи. Ёшлик ва тажрибасизлик ҳаётни ёлғизлик ва мақсадсиз ҳаётдек тасаввур қилишга ундаиди. Худди шу маъно-мазмун яна бир метафорада ифода топади: “*Alas, this isolation- this banishment from my kind! Not only the anchor of hope, but the footing of fortitude was gone*” (p. 321).

Торнфильдга етиб келганида Жейнни уй хизматчиси Фейрфакс хоним ва унинг шогирди француз қизи Адель кутиб олишди. У ўз ишини “*I was now at last in safe heaven*” (p. 90), деб таърифлади. Бу ҳам LIFE IS A JOURNEY концептуал метафорасига асосланган иборадир. Лекин беғам ва енгил ҳаёт Жейнни ҳар доим ҳам қониқтиравермайди:

To spend the long winter evening with her, and her only, was to quell wholly the faint excitement wakened by my walk,—to slip again over my faculties the viewless fetters of an uniform and too still existence; of an existence whose very privileges of security and ease I was becoming incapable of appreciating. What good it would have done me at that time to have been tossed in the storms of an uncertain struggling life, and to have been taught by rough and bitter experience to long for the calm amidst which I now repined! (Chapter 12, 108).

Юқорида эслатилган концептуал метафора яна бир карра фаоллашмоқда ва саёҳат яна денгизни кезишдан иборат. Метафора фрейми “кичик қайик” (small boat), бузук оби-ҳаво шароитлар (tossed, storm) тугунлари қўшилиши ҳисобидан кенгайтирилмоқда. Торнфильддаги енгил ҳаёт, сокинликдан чарчаган Жейн бу ҳаётни оёққа солинган кишандек тасаввур қилмоқда. Шунинг билан биргаликда, у бундай сокинликни қадрлаш лозимлигини унутмайди. Чунки муваққат муҳитда бўлиш, денгиздаги саёҳат шароитида кичик қайикчанинг (Жейн ўзини шундай тасаввур қилмоқда) тўфонга учраши ва ундан кутилиш йўлини қидириши ҳам у қадар ёқимли эмас.

Навбатдаги парчанинг таҳлилига ўтамиз:

Yesterday I trusted well in Providence, and believed that events were working together for your good and mine: it was a fine day, if you recollect—the calmness of the air and sky forbade apprehensions respecting your safety or comfort on your journey. I walked a little while on the pavement after tea, thinking of you; and I beheld you in imagination so near me, I scarcely missed your actual presence. I thought of the life that lay before me—your life, sir—anexistence more expansive and stirring than my own: as much more so as the depths of the sea to which the brook runs are than the shallows of its own strait channel. (Chapter 25, 267).

Кўнгилни овлаш ойи тугади ва тез кунларда Жейн Рочестерга турмушга чиқмоқчи. Кичик фермер хўжаликларидан хабар олиш учун кетган Рочестернинг йўқлигига Жейн ҳаётидаги кутилаётган ўзгаришдан хавотирда ва ҳаяжонда. У боғда сайр қилаётуб, Рочестер ҳақида ўй сурмоқда. Ўз ҳаётини Рочестер билан қиёслаётган Жейн ҳаётни дарёга ўхшатмоқда. Бунда метафорик тафаккур йўналишлари қўйидаги қўринишларни олади:

1. *Depth of sea to which the brook runs→ the depth of Rochester's life;*
2. *Shallows of strait channel→ the shallowness of Jane's life;*
3. *Expansive and stirring→ rich life experience, exciting life experience.*

Метафоранинг концептуал негизида Рочестер ҳаётини кичкина жилға ўтадиган денгизга

қиёслаш турса, Жейннинг ҳаёти эса каналнинг оқимидағи саёзликларга қиёсланади. Бу сифат метафорик қарама-қаршилик, бир томондан, Жейннинг Рочестерга хурмати ва эхтиросини күрсатса, иккинчи томондан, унинг камтарлигидан хабар беради. Худди шу күринишдаги метафора, албатта, уйланиш мақсадининг муқаррарлигидан дарак беради.

Аммо орзунинг ушалиши ҳар доим ҳам осон кечавермайды. Рочестернинг бошқа хотини борлиги ва бу жинни хотин учинчи қаватдаги болохонага қамаб қўйилганидан хабар топган Жейн Торнфильдни тарк этади. Аммо қўшни Витクロс ҳудудида кезиб юрган Жейн, очлик, толиқишига қарамасдан, умидсизликка тушмайды. Аксинча, у Оллоҳга ишонади ва ундан мадад кутади. Қиёсланг:

Life, however, was yet in my possession, with all its requirements, and pains, and responsibilities. The burden must be carried; the want provided for; the suffering endured; the responsibility fulfilled. I set out. (Chapter 28, 311).

Рочестернинг метафорик тафаккур фаолиятида аччик, жароҳатли ҳаёт тажрибаси акс топган. Ёшлиқда Берта Мэйсонга кўнгил қўйиб, унга уйланиши Рочестерни ҳаётдан норози бўлишига сабаб туғдирди. Натижада у бошқаларга истехзоли, совуқ муносабатда бўлишга одатланди, ҳаёт ва тақдирнинг адолатсизлигидан нолишга тушди. Бундай ҳаёт, сўзсиз, ҳеч кимни қониқтирумайди. Психологлар “ҳаёт жароҳати”ни дунёнинг гўзаллиги ва ҳаётбахш манзараларидан узоклаштирувчи восита сифатида таърифлайдилар (Janoff-Bulman 1992:6). Руҳий жароҳат инсоннинг кайфияти, фаолияти, ўзлигини намоён қилувчи дунёқарашига таъсир ўтказади. Рочестернинг ҳаётга муносабатини белгиловчи метафоралар мазмуни бунга мисол бўла олади.:

“I started, or rather (for like other defaulters, I like to lay half the blame on ill fortune and adverse circumstances) was thrust on to a wrong tack at the age of one-and-twenty, and have never recovered the right course since...” (Chapter 14, 126).

Келтирилган қаторлар Рочестер ва Жейн ўртасидаги сұхбат намунасиdir. Рочестер Жейннинг киноясига жавобан ҳақиқатдан хулқ-авторида нуқсонлар йўқ эканлигини тан олмоқда. Рочестер ўз жавобида, ҳаёт тажрибасини шарҳлаётib, ҳаёт йўли унинг танлови бўлмасдан, балки Оллоҳ томонидан белгиланган (ill fortune) эканлигини таъкидламоқда. Маълумки, ҳаёт йўли бирор яхши натижага етаклагани маъқул ва у манба-йўналиш-мақсад учлигидан таркиб топади. Мақсадга эришиш учун тўғри йўналишни танлаш лозим. Демак, Рочестер фойдаланаётган метафора “life is a journey forced on a wrong track” – “ҳаёт нотўғри йўлга солинган саёҳат” мазмунига эга.

Рочестерни бемалол трагик персонажлар қаторига киритсак бўлади ва унинг биринчи уйланиши фожиага сабабдир. Асардан унинг олдинги ҳаёти ҳақида батафсил маълумот олиш қийин бўлсада, бироқ Жейн билан сұхбатидан ҳаётга бўлган дунёқараши нақадар тушкун эканлигини англаш мумкин. Бундай муносабат ва дунёқараши қуйидаги метафорик ифодаларда намоён бўлади:

а) Рочестернинг француз раккосаси Селин билан уятли муносабатларини хотирлаши:

I had not, it seems, the originality to chalk out a new road to shame and destruction, but trod the old track with stupid exactness not to deviate an inch from the beaten centre. (p. 132).

Ушбу қаторларда у ўз ҳаётини яна ўша издан бораётган саёҳатга ўхшатмоқда. Бу сўқмоқ уни аллақачон Берта Мэйсон сари етаклаган эди. Оқибат – шармандалик ва норозиликдан бошқа нарса эмас;

б) Рочестернинг Жейнни жўнаб кетиши билан тугаган икрори:

Divine justice pursued its course; disasters came thick on me: I was forced to pass through the valley of the shadow of death. His chastisements are mighty; and one smote me which has humbled me for ever

(p. 430).

Ушбу ҳолатда Жейнсиз ҳаёт изма-из келаётган фалокатга қиёсланмоқда. Бу, ўз навбатида, унинг қилмишларига берилаётган жазога аллюза усулидаги ишорадир. Зотан, Торнфильдга ўт қўйиб вайрон қилган жинни хотинини қуткаришга уринаётуб, у қаттиқ яраланди.

Келтирилган метафораларнинг барчасининг негизида LIFE IS A JOURNEY концептуал метафораси туриши гумон түғдирмайди. Саёхатнинг, олдин айтганимиздек, бошланғич, ўрта ва охирги нұқталарга эга бўлиши ҳам маълум. Турли йўналишлар баъзан тўғри бўлса, қолганларида нотўғри.

Романдаги бошқа бир матн парчасида Рочестернинг ҳаётга муносабати ўзгача кўриниш олади:

“You think all existence lapses in as quiet a flow as that in which your youth has hither to slid away. Floating on with closed eyes and muffled ears, you neither see the rocks bristling not far off in the bed of the flood, nor hear the breakers boil at their base. But I tell you—and you may mark my words—you will come some day to a craggy pass in the channel, where the whole of life’s stream will be broken up into whirl and tumult, foam and noise: either you will be dashed to atoms on crag points, or lifted up and borne on by some master-wave into a calmer current—as I am now.” (Chapter 15, 133).

Жейн билан сұхбатлашаётган Рочестер ўзининг бой ҳаётий тажрибасини унинг билан баҳам кўрмоқчи. Аччик тақдирдан куйган инсон сифатида Жейнни қўп нарсадан огоҳлантироқчи. Ҳаёт бир текис эмаслигидан сұхбатдошини огоҳлантириш пайтида LIFE IS A JOURNEY метафораси ривожлантирилмоқда. Унинг нақлича, ҳаёт дарёси бир текисда, сокин оқмайди: “rocks bristling not far off in the bed”; “breakers boil at the base”; “craggy pass in the channel”.

Тадқиқчилар кўрсатишича, метафорик кўчим тўлиқ бўлмасдан, балки манбанинг мўлжалдаги мазмунга ўтиши қисман бўлади ва бунинг натижасида маълум қилинаётган ахборотнинг у ёки бу қисми тушиб қолади (Lakoff, Johnson 2003). Зоро, инсон метафора ёки бошқа лисоний ҳодисалар босимида қолмасдан, ўзига хос ҳаракат қилиши, тафаккур юритиши мумкин. Рочестер, аксинча, метафоранинг “ўлжаси”га айланган, унинг ҳаёти тамоман қисмат қамровига бериб қўйилган. Шу сабаб, у қўллаётган метафораларда акс топаётган дарё сари йўл мазмуни ҳаёт йўлидаги хавфлар ва тўсиқларни таъкидлайди. Буларнинг барчаси Рочестернинг тушкун кайфияти, умидсиз дунёқарашидан дарак беради.

Яна бир мисолни қиёсланг:

“To live, for me, Jane, is to stand on a crater-crust which may crack and spue fire any day.” (Chapter 20, 205).

Ушбу нутқий тузилмада фаоллашаётган ҳаётга муносабат метафораси ўзига хос: Жейннинг саволларига берилаётган жавобдаги метафоранинг манбаси – вулқоннинг оғзи (crater-crust). Бундай манбанинг пайдо бўлиш сабаби бир кеча олдин Берта унинг хонасига ўт қўйган эди. Crater “Кратер” сўзининг луғавий маъноси “вулқоннинг шарсимон оғзи”, crust эса “вулқон портлагандан сўнг қоладиган қолдик” маъносини англатади. Демак, юқоридаги метафоранинг мазмуни бир кун олдин содир бўлган ёнғин билан боғланган, зотан “кратер” сўзи ялтираб турган қоя, ёнғин, тутун кабилар билан ассоциатив боғланишга эга. Натижада, ушбу метафора бизга дўзахни эслатади. Бундан ташқари, “кратер” тушунчасига мурожаат метафораси кўпгина халқлар фольклор асарларида “олов пуфлаётган даҳшатли ҳайвон” рамзида тасвириланадиган аждарҳони эслатади. Рочестернинг ҳаёлида унинг хотини худди шундай мавжудотлар қаторига киради ва бундай вулқон ҳузурида туриш қобил эр учун доимо хавфлидир.

Рочестер ўзининг азоб-уқубатга тўла ҳаётини тасвирилашни давом қиласи:

“Well then, Jane, call to aid your fancy:—suppose you were no longer a girl well reared and disciplined, but a wild boy indulged from childhood upwards; imagine yourself in a remote foreign

land; conceive that you there commit a capital error, no matter of what nature or from what motives, but one whose consequences must follow you through life and taint all your existence. Mind, I don't say a crime; I am not speaking of shedding of blood or any other guilty act, which might make the perpetrator amenable to the law: my word is error. The results of what you have done become in time to you utterly insupportable; you take measures to obtain relief: unusual measures, but neither unlawful norculpable. Still you are miserable; for hope has quitted you on the very confines of life: your sun at noon darkens in an eclipse, which you feel will not leave it till the time of setting..." (Chapter 20, 206).

Юқоридаги парчада Рочестер ёшлигіда кечирған азобларини Жейнга хикоя қилиб бермокда. Бирөвға қалбда сақланытган сиру-асрорни түлиқ очиш қийин, албатта. Шу боис, метафорадан стилистик ифода усулы сифатида фойдаланилып, унинг воситасида аччик үтмишни эслашта уринилмоқда. Бу ерга ҳаракатта тушаёттан концептуал метафора – A LIFE IS A DAY. Биламизки, куннинг ўртаси энг ёруғ ва иссиқ пайт бўлса, унинг энг совуқ ва қоронғи пайти – тундир ва қуёшнинг ботиши туннинг бошланишидан дарак беради. Рочестер A LIFE TIME IS A DAY метафораси мазмунига “қоронғилашув” тушунчасини ҳам киритади. Зотан, қоронғилашув билан биргаликда кун тугайди. Куннинг ўтиш пайтлари ҳаёт босқичларига тенглаштирилмоқда. Демак, бу ерда метафорик концептуаллашиб қуйидаги босқичлардан иборат:

Куёш (Sun) → ўзликни ёрқин ва кенг кўламда ҳис этиш манбаси;

Тун (Noon) → ҳаётнинг юқори чўққиси;

Куёшнинг ботиши (Sunset) → ўлим;

Коронғилик (Darkness) → ўзликни ҳис этишга тўсиқ бўладиган жароҳат.

Рочестернинг ҳаётга нисбатан тушкун муносабати худди шу метафора воситасида воқеланмоқда, ёшлиқда қалбига тушган жароҳат уни бутун умри давомида таъқиб қилиб келади. Натижада, ҳаётнинг ёрқин сахифалари ундан узоқлашиб боради. Келтирилган метафора унинг ҳаётга муносабатини акс эттирибгина қолмасдан, балки ҳатти-ҳаракатлари ва фикру-хаёлига ҳам таъсир ўтказиб келади.

Жон ҳазратларининг ҳаёт ҳақидаги фикр-ўйлари унинг бажарадиган фаолияти, яъни диний лавозими билан боғлиқ. Бу шұхратпараст ва иззатталаб шахс миссионер сифатида сафарга отланытебі, Жейнни рафиқалықка танлайди. Жейндан рад жавобини олган Жон Риверс қаттиқ хафа бўлади ва Ҳиндистонга кетиб, умрнинг охиригача ўша ерда қолади. Шу сабаб, унинг ҳаётга муносабати Жейн ва Рочестернидан тамоман бошқача. Қиёсланг:

It is hard work to control the workings of inclination and turn the bent of nature; but that it may be done, I know from experience. God has given us, in measure, the power to make our own fate; and when our energies seem to demand a sustenance they cannot get—when our will strains after a path we may not follow—we need neither starve from inanition, nor stand still in despair: we have but to seek another nourishment for the mind, as strong as the forbidden food it longed to taste—and perhaps purer; and to hew out for the adventurous foot a road as direct and broad as the one Fortune has blocked up against us, if rougher than it. (Chapter 31, 347).

Ҳазратнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввури бошқачароқ, унинг метафорик ифодасини LIFE IS A JOURNEY WITH OBSTACLES сифатида тасвирлаш мумкин. Рочестердан фарқли равишда, у худога ишонади ва ҳар қандай қийинчиликни Оллоҳнинг кўмагида бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблади. Унинг ҳаёт сценарийсида албатта ҳар бир киши учратиши мажбур бўлган тўсиқлар мавжуд, жумладан, истаксиз сўқмоққа тушган киши ундан юришга маҳкум ва бу унинг ғашига тегади. Нима қилмоқ керак? Ҳазратнинг фикрича, умидсизликка тушгандан кўра, тўғри йўлни қидириш, ҳамма нарсани Қисматдан кўргандан кўра топган йўлнинг равон ва манзилга элтишига ишониш даркор.

Когнитологларнинг талқинича, фавқулодда юзага келган метафора бизнинг тажрибамизни

шакллантирувчи ва акс эттирувчи ботиний кучга эга. Бундай метафорик танлов тингловчи (ўқувчи)нинг онгига тез таъсири кўрсатади. Жон Риверс қўллаётган метафора худди шундай мундарижага эга, унинг ҳаётга муносабати ўзига хос. Зеро ҳаёт машаққатли йўл, лекин инсон чин ниятили, кучли бўлса ва режали ҳаракат қилса, сўзсиз, бу йўлни босиб ўтиб, ўз орзусига эришади. Худди шу фикрни унинг холосасидан ҳам англаш мумкин:

“It is just what I want. And there are obstacles in the way: they must be hewn down.” (Chapter 34, 392).

Куйидаги нарратив тузилмада ҳам “ҳаёт узоқ йўл” эканлиги таъкидланишини кузатамиз:

I am the servant of an infallible Master. I am not going out under human guidance, subject to the defective laws and erring control of my feeble fellow-worms: my king, my lawgiver, my captain, is the All-perfect. It seems strange to me that all round me do not burn to enlist under the same banner,—to join in the same enterprise.” “All have not your powers, and it would be folly for the feeble to wish to march with the strong.” (Chapter 34, 386).

Хиндистонга миссионерлик сафарига жўнашидан фахрланиш “infallible Master”, “not...human guidance, defective laws and erring control... feeble fellow-worms” жумлаларида ифода топмоқда. Ҳазрат бўлажак миссионерлик ҳаётини Яратганинг ҳомийлигидаги улкан фаолиятга қиёсламоқда ва бунга “banner”, “join in”, “march” каби юқори услубга хос бирликларнинг қўлланилиши ишора қилмоқда. Айни пайтда, буларнинг барчаси Жейнни биргаликда жўнашга ундаш ҳаракатидир.

Шундай қилиб, асарнинг асосий қаҳрамонлари нутқида учрайдиган метафораларда уларнинг ҳаётга бўлган муносабати ифода топган, бироқ ушбу муносабатлар бир текис эмас. Мазкур фарқлар турли мазмуний коннотацияларга эга. Романда ҳаётга муносабат акс топадиган метафораларнинг умумий сони 36 та бўлиб, уларнинг мундарижавий тақсимотини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

5.1-жадвал

Роман қаҳрамонлари нутқидаги ҳаётга муносабатни акс эттирувчи метафоралар

Ҳаётга муносабат метафоралари (умумий сони -36)	Жейн Эйр (14 та)	Эдвард Рочестер (12 та)	Сент-Жон Риверс (10 та)
Journey “йўл, сафар” (мақсад ва назоратсиз)	8	2	0
Journey “йўл, сафар” (хавфли)	0	2	0
Journey “йўл, сафар” (олға ёки орқага)	2	0	1
Journey “йўл, сафар” (тўғри ёки нотўғри йўналишда)	0	3	0
Journey “йўл, сафар” (қийинчилик-ларга учраган ҳолда)	0	1	4
Journey “йўл, сафар” (мақсадсиз)	0	0	5
Journey “йўл, сафар” (кураш)	1	1	0
Journey “йўл, сафар” (кувилиш)	1	2	0
Life is a book “ҳаёт – китоб”	1	0	0
Life is a river “ҳаёт – дарё”	1	0	0
Life is a day “ҳаёт – бир кун”	0	1	0

Жадвалдан аёнки, Жейн нутқида ҳаётга муносабат метафораларидан энг кўп учрайдиганлари “ҳаёт мақсадсиз ва назоратсиз сафар” мазмунига эга (8 та). Лекин бу метафораларнинг аксарияти романнинг илк қисмида, яъни Жейннинг етимхонадаги ачинарли ҳаёти тасвирида воқеланган.

Рочестер нутқидаги ҳаётга муносабат метафоралари уч турға бўлинади: а) “хаёт мақсадсиз сафар”, б) “хаёт нотўғри йўналишдаги сафар” ва в) “хаёт қувилишдир”. Ҳазрат Жон эса ўз ҳаётини “мақсадсиз сафар” ҳамда “хаёт қийинчиликларга бой йўлдир” мазмунларида тасвирлайди.

Жейннинг ҳаёт ҳақидаги метафоралари бошқа персонажларни кига нисбатан бирмунча батафсил баён усулига эга, уларда ҳаётнинг турли жабхалари, босқичлари образли равишда акс топган. Бу, биринчи навбатда, ҳаёт ҳақида гапираётган нарратор (Жейн) ўз руҳий кечинмаларини тубига етиш ва бошқаларни кидан пухтароқ эканлигини маълум қилиш ниятида эканлигидан дарак берса, иккинчидан, сўзловчининг оптимист, яъни некбин руҳиятли киши эканлигига ишора қиласди. Балоғат ёшидан ўтгандан сўнг қўлланилаётган метафораларнинг турли-туман кўриниш олиши Жейннинг ҳаёт тажрибаси ошганлиги натижасидир. Эндиликда у “*tossed in the storms of an uncertain struggling life*” (Chapter 12, 108).

“*felt as a wanderer on the face of the earth*” (Chapter 21, 216).

“*I felt degraded. I doubted I had taken a step which sank instead of raising me in the scale of social existence.*” (Chapter 31, 344) кўринишидагиларни маъқул кўради.

Рочестер танлаётган ҳаёт метафоралари ҳам унинг тажрибасига асосланган, аммо ушбу метафорик тузилмаларда сўзловчининг тушкун ҳолати, ҳаётни режалаштириш имконияти чегараланганилиги ўз ифодасини топади. Рочестер наздида ҳаёт хавфли сафардир:

“*no sooner have you got settled in a pleasant resting-place, than a voice calls out to you to rise and move on, for the hour of repose is expired.*” (Chapter 23, 237). Шу қабилдаги метафоралар аччиқ ҳаётий тажриба натижасидан бошқа нарса эмас.

Сент-Жон Риверснинг нутқи метафораларга унчалик бой эмас, ва улар асосан мақсадсиз ҳаёт босқичлари ҳамда дуч келиш мумкин бўлган қийинчиликлар баёнидан иборат. Жон ҳазратлари мурожаат қилаётган метафоралар ҳам “Хаёт – мақсадсиз сафар” концептуал мазмунга эга бўлсада, лекин улар, Рочестернинг метафораларидан фарқли равишда, сўзловчининг мавжуд тўсиқлардан хабардор экани ҳамда уларни бартараф этиш умидини йўқотмаганлигидан хабар беради.

Мутахассислар қайд этишича, нарратив баён уч, яъни барқарорлик (stability), ривожланиш (progressive) ва орқага кетиш ёки паствашиш (regressive) турларига эга (Gergen 1998). Барқарор баёнда кечеётган воқеалар шундай ўзаро боғланадики, бунда мақсад ёки натижа ўзгармасдан қолади. Ривожланувчи баён эса, ҳаётга нисбатан оптимистик нұктаи назарни акс эттиради. Орқага кетиш, ўз-ўзидан маълумки, тушкинлик давом этаётган, баёндаги кўтаринкилик йўқолаётганидан дарак беради. Бу турдаги баёнда тингловчининг диққатини жалб қилиш, унда раҳм ўйғотиш мақсади устуворлик қиласди.

Юқорида санаб ўтилган нарратив турлари таксимотига амал қиласиган бўлсак, Жейннинг баён услубини ривожланувчи, Рочестерники, аксинча, орқага қайтиш турларига киритамиз. Ҳазратнинг баён услуби эса барқарор кўринишга эга. Дарҳақиқат, Жейннинг нутқида ҳаёт ишонч туйғуси, муваффақиятларни бошқалар билан баҳам кўриш ва шу йўсинда ҳурмат қозониш руҳияти упиреб турибди. Рочестернинг ягона истаги Жейнда раҳм-шавқат уйғотиш ва шу боис унинг ҳаётга муносабати тушкун руҳиятда ифода қилинмоқда. Нихоят, Ҳазратнинг нутқи унинг диний мажбуриятга содиқ шахс эканлигининг акс-садосидир.

Хуллас, романнинг асосий қаҳрамонлари нутқида фаоллашган метафоралар таҳлилидан аён бўлишича, ушбу иборалар уларнинг ҳаётга муносабатини акс эттириш билан бир каторда, худди шу метафораларниг шаклланишига ҳам туртки беради. Жумладан, Жейн қўллаётган метафорик иборалар мазмуний кўламининг кенгайиб бориши унинг ҳаётий тажрибаси ўсишига асосланган когнитив қобилияти ва имкониятлари ривожининг маҳсулидир.

Адабиётлар рўйхати

1. Brönte, Charlotte. Jane Eyre. – London: White's Books, 2010. – 415 p.
2. Gergen K.J. Narrative, moral identity and historical consciousness: A social construction account // Narration, identity and historical consciousness. –Frankfurt: Suhrkamp, 1998. – P. 99-119.
3. Janoff - Bullman. Shattered assumptions: Towards a new psychology of trauma. – New York: Free Press, 1992. – 256 p.
4. Lakoff J., Johnson M. Philosophy in flesh: The embodied mind and its challenge to western thought. – N.Y.: Basic Book, 1999. – 640 p.
5. KUSHBAKOVA, M., Zarina, R. U. Z. I. M. U. R. O. D. O. V. A., & Shahram, A. S. L. O. N. O. V. (2020). Innovative Methods and Ways to Teach and Learn Foreign Language. ECLSS Online 2020a, 146.